

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Гулистон давлат университети

“Экология ва география” кафедраси

5110500-география ўқитиш методикаси таълим йўналиши

32-12-гуруҳ талабаси Раҳмонқулова Манзуранинг

**“Амалий география курсини ўқитишда “Кейс - Стади”
технологияларидан фойдаланиш мавзусида бажарган**

битирув малакавий иши

**Раҳбар: География фанлари номзоди,
доцент Каршибаева Л**

Гулистон-2016

Битирув-малакавий иши кафедранинг 2016 йил _____даги _____ -
йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга тавсия этилди _____ А.Юлдашов, кафедра мудири,
география фанлари номзоди.

Такризчилар _____

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий география фани давр талабларига биноан ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифалари асосида ривожланиб бормоқда. Мактаб географиясида умумий, табиий ва иқтисодий - ижтимоий масалаларга кенг эътибор берилган бўлиб, академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида география фанининг ўрганиш доираси анча ўзгартирилган ва унда географиянинг амалий масалаларига катта аҳамият берилган. География масалалари ва муаммоларнинг ўрганилиши ва ечимига қаратилган "Амалий география" фанида замонавий фан - техника ютуқлари, экологик муаммоларнинг географик жиҳатлари, уларни ўқувчиларга етказиб беришда замонавий педагогик технологиялар кенг жорий этилиши давр талаби.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда сифат ва самарадорлик кўрсаткичларига эришиш учун таълим тарбия жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш, янги шакл ва усулларни замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали амалга ошириш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

Битирув малакавий ишда асосий эътибор ўрта махсус таълими муассасаларида "Амалий география" фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, дастурда кўрсатилган мавзуларга тавсиялар ва янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда машғулотларни олиб боришда ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш касбий соҳаларга йўналтириш орқали ўқувчиларда баркомилликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган. Таълим жараёнида "Кейс-стади", "Блиц-сўров", "Лойиҳалаш", "Картографик", "Ақлий ҳужум", "Интерфаол" усуллардан фойдаланиш ва таълим технологиясидан фойдаланиш масалаларига кенг эътибор берилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий иш мавзусини "Академик лицей ва касб ҳунар коллежларида амалий

географияни ўқитишда "кейс-стади" технологиясидан фойдаланиш" мавзуи танланди.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Мавжуд илмий, илмий методик адабиётларни, журнал мақолаларни, интернет маълумотларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида АЛ ва КХК ларда амалий география курсини ўқитишда "кейс - стади" технологиясидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти: Академик лицей ва касб-ҳунар коллежаларида амалий географияни ўқитиш жараёни. Битирув малакавий ишининг предмети академик ва касб - ҳунар коллежаларида амалий география курсини ўқитишда "кейс - стади" технологиясидан фойдаланиш методикаси билан белгиланади.

Битирув малакавий иши вазифалари:

1) академик лицей ва касб - ҳунар коллежаларида "Амалий география" курсига оид ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва бошқа меъёрий хужжатларни ўқиб ўрганиш.

2) география ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, хусусан, кейс-стади технологиясидан фойдаланишга доир адабиётларни ўқиб ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш.

3) "Кейс - стади" технологиясига оид илмий назарий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.

4) академик лицей ва касб-ҳунар коллежаларида Амалий география курсини асосий мавзуларини кейс - стади технологияси асосида ўқитишни лойихалаштириш.

5) педагогик амалиёт давомидаги кузатишлар натижаларини ва «Битирув малакавий иш»ини ёзишда олинган натижаларни хулоса кўринишида шакллантириш.

Битирув малакавий ишини ёзишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар маҳкамасининг таълимни ислоҳ қилишга доир қарорлари, битирув малакавий иши мавзусига оид педагогик - психологик, илмий методик манбаалар география ўқитиш методикасининг назарий ва амалий асослари.

Битирув малакавий ишининг ҳажми: Битирув малакавий иши кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни _____ саҳифадан иборат.

I–БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Таълим жараёнида фойдаланиладиган инновацион ўқитиш методлари ва технологиялари

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. Қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди.

Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шакллариининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

Таълим муассасаларида ўқув машғулотларини самарали амалга оширишда педагогик технологияларга асосланган ўқитишнинг инновацион шакл, методларининг танланишига катта аҳамият берилади. Таълим муассасаларида

самарали ўқитиш шакллари сифатида қуйидагилар тавсия этилади: муаммоли маъруза; видеомаъруза, вебинарлар; бинар маъруза; интенсив-интерактив семинар; тренинг, видеотренинг; интерфаол экскурсия; On-line семинарлари; такдимот, кичик гуруҳлардаги иш ва ҳ.к.

Бинар маъруза. “Бинар” сўзи лотинчада олинган бўлиб, “қўш”, “икки” деган маънода қўлланилади. Бундай машғулотнинг олиб борилиши икки вакил: ўқитувчи ва методист; ўқитувчи ва ўқувчи; таклиф этилган мутахассис ва ўқитувчи; ўқитувчи ва тьютор (маслаҳатчи) ўртасидаги интерфаол суҳбат, баҳс-мунозара ва ахборотлар алмашинувини намоён қилади. Жараёни бундай ташкиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад – янги ўқув маълумотлари ва ахборотларини икки мутахассис ёки иштирокчи нуқтаи-назарларини таққослаш орқали ёритиб беришдан иборат.

Тренинг. Тренинг замонавий таълим шаклларида бири ҳисобланиб, у интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг ўзига хос кўринишидир. Тренинглар ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш ҳамда машқлар давомида ўзлаштириш имкониятини беради ва таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга, шунингдек, бўлажак мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади. Ҳар қандай педагогик тренингларни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Ташкилий босқич: гуруҳни йиғиш ёки шакллантириш.
2. Бошланғич босқич: гуруҳ меъёрларини ишлаб чиқиш, танишув ва машғулотдан кутувларни аниқлаш.
3. Фаолиятли босқич: тренинг тури ва ўтказиш методикасини белгилаш.
4. Якуний босқич (рефлексия).

Тренинг мобайнида талабалар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва ҳуқ-атвор кўникмалари ҳам ривожланиб боради.

Видеомаърузалар. Бундай ўқитиш шаклида ўқитувчи маърузаси видеотасмага ёзилади, чизиксиз монтаж усулида у мультимедиа, иловалар, маърузани баён қилишнинг кўргазмали воситалари билан тўлдирилади. Бундай тўлдиришлар маъруза мазмунини нафақат бойитади, балки уни баён қилишнинг жонлироқ ва тингловчилар учун қизиқарли бўлишини таъминлайди. Видеомаърузалар ўқув марказларига видеокассеталар ёки компакт дискларда ёзилади. Замонавий педагогик-психологик тадқиқотларнинг амалий йўналиши сифатида бугунги кунда педагогикада ўқитишнинг бир неча методлари фарқланади:

1. Пассив – таълим олувчи ўқитишнинг “объекти” сифатида намоён бўлади (тинглайди ва кўради);

2. Актив – таълим олувчи ўқитиш жараёнининг “субъекти” сифатида намоён бўлади(мустақил иш, ижодий тпшириқлар);

3. Интерфаол – педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Олий таълим муассасаларидаги самарали ўқитиш методларидан бири бу интерфаол ўқитиш методларидир. Интерфаол сўзи инглизча сўз бўлиб, «inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ маъноларини билдириб, уларнинг умумий мазмуни интерфаол - яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “талаба – ўқитувчи” ва “талаба-талаба”нинг мақсадли ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

«Кейс-стади» методи. Методнинг мақсади: «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Кейс методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; вазият билан танишиш; ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Муаммоли вазиятни аниқлаштириш ва муаммоли топшириқни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Муаммоли топшириқ ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Муаммоли топшириқ ечимини шакллантириш ва асослаш	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«SWOT-таҳлил» методи. **Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур метод асосида муаммо тўрт йўналишда кўриб чиқиб, муҳокама қилинади: **S – (strength)** – кучли томонлари, **W – (weakness)** – заиф, кучсиз томонлари, **O – (opportunitu)** – имкониятлари, **T – (tnreat)** – тўсиқлар.

Намуна: Ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг кучли ва кучсиз томонлари, ички имкониятлари ҳамда ўқитишда мультимедия

воситаларидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ташқи хавфларни ушбу жадвалга туширинг.

S	Ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Ахборотларни самарали ўзлаштириш
W	Ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Ахборотларни қабул қилишни фақат бир томонлама бўлиши, аудиторияда педагогик мулоқотнинг сустлашуви
O	Ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Аудиторияни жалб этиш, вақтдан ютиш, самарали ўзлаштириш, тезкор қабул қилиш, ижодий тасаввурни шакллантириш
T	Тўсиқлар (ташқи)	Техника ва шахс омилининг қарама-қаршилиги.

«ФСМУ» технологияси. Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби: тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади ва ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: **Ф** – фикрингизни баён этинг; **С** – фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг; **М** – кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг; **У** – фикрингизни умумлаштиринг. Иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Хулосалаш” (Резюме, Елпиғич) технологияси. Технологиянинг мақсади: Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли таснифдаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилиши пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу педагогик технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил фикрлари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратди. “Хулосалаш” технологиясидан мўрза машғулотларида индивидуал ва жупликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- машғулот мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер - ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна. Талабалар билимини назорат қилиш

Назорат методлари					
Тест		Оғзаки		Ёзма (амалий)	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Т – чизма” методи. Методнинг мақсади: Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустақил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни миқдор жиҳатдан тенг гурҳларга ажратади;
- иштирокчиларни тренинг ўтказишга қўйилган талаблар ва бажарилиши зараур бўлган топшириқ шартлари билан таништиради;
- таркатмалар (иловадаги) иштирокчилар гуруҳига берилади ва таклиф этилган чизма асосида қатнашчилар тушунчага ёки муаммога нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- билдирилган фикрлардан асосий фарқлари ажратилиб, керакли устунчаларга ёзилади;
- белгиланган вақт (10-15 дақиқа) якунига етгач, барча гуруҳларнинг фасилитаторлари ёрдамида презентация ташкил этилади;
- барча гуруҳларнинг якуний хулосалари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, тренер-ўқитувчи гуруҳлар ишини баҳолайди ва қўшимча тўлдиришларни киритади.

“Ассесмент” техникаси (инглиз тилидан “баҳо”). Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга

йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади. Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна: “Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” мавзусида ассесмент намунаси.

Тест 1. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги Президент фармойиши қачон қабул қилинган? А. 2005 йил В. 2002 йил. С. 1997 йил.	Қиёсий таҳлил Ахборот ресурси ва ахборот тизими ўртасидаги фарқни қиёсий таҳлил қилинг?
Симптом Электрон ҳужжат бу...	Амалий кўникма Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлардан 3 тасини мисол келтиринг?

“Инсерт” техникаси. Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди. “Инсерт” техникаси асосида матн, дарслик билан ишлаш, ўқиш орқали маълумотлар сараланади. Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик, қўшимча маълумот керак.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

«Тушунчалар таҳлили» методи. Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- талабаларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- талабалар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: Кириш маърузаси учун

ТУШУНЧАЛАР	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот?
Жиноят		
Жазо		
Конституция		
Ҳуқуқ		
Давлат		
Бошқарув		
Қонун		

Изоҳ: берилган тушунчалар расмлар ёки рамзий белгилар орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

«Чархпалак» технологияси. Технологиянинг мақсади: мазкур технология таълим олувчиларда муайян мавзу бўйича ўзлаштирилган касбий ахборотларни мустаҳкамлаш, анализ-синтез қилиш, такрорлаш, баҳолаш ва мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан мавзуга мос равишда уй вазифаларини такрорлашда, баҳолашда ва назорат ишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Технологияни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга аниқ мавзу бўйича тайёрланган тарқатма материаллар тарқатилади;
- берилган ҳаракат хусусиятлари ичидан ўзлари тўғри деб топган ҳаракатни кўрсатилган катаклар ичига махсус белгилар (+, -, X, Y) билан белгилаш тушунтирилади;

➤ ҳар бир гуруҳ аъзоси индивидуал тарзда кўрсатилган катакларга ўз жавобларни белгилайди ва ўқитувчи навбатдаги босқичда гуруҳларнинг жавоблар варақасини соат стрелкаси тартибида алмаштиради;

➤ бу ҳаракат то ҳар бир гуруҳнинг дастлабки иши ўзига қайтиб келгунига қадар такрорланади. Тарқатма материаллар ўз эгаларига етиб келганидан сўнг ўқитувчи тўғри жавобларни ўқиб эшиттиради.

➤ иштирокчилар тўғри жавобларни дастлабки белгилари бўйича текшириб, ҳар бир тўғри жавобни «1» балл билан баҳолайдилар.

➤ машғулот якунида ўқитувчи баҳолаш мезонини ўқиб эшиттиради ва ҳар бир иштирокчи йиғган тўғри жавоблари бўйича ўз-ўзини баҳолайди. (Масалан, ҳаракатлар 14 та бўлса, бунда: 14-16 тўғри жавоб учун «аъло», 11-13 та тўғри жавоб учун «яхши», 8-10 та тўғри жавоб учун «қониқарли» баҳо берилади).

➤ Тренер-ўқитувчи баҳоларга аниқлик киритади ва машғулотнинг зарурий жиҳатларини умумлаштириб, хулосалайди.

Икки қисмли кундалик методи. Методнинг мақсади – мазкур метод нафақат матннинг мазмунини ўрганишга, матн мазмунини ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлашга ва ўзлаштирган ахборот, ғоя, ёки фикрларга нисбатан ўз муносабатини ёзма ифода этишга имкон берувчи оддий ва самарали усул бўлиб, ўқувчилардаги шахсий позицияни шакллантиришга ёрдам беради. Методни ўтказиш тартиби:

➤ иш дафтари вертикал чизиқ бўйича иккига бўлинади.

➤ чап томонга талаба мавзу юзасидан унда таассурот уйғотган, ёққан ёки савол туғдирган цитата, ғоя ёки фикрларини ёзади (масалан, жуда ақлли таъриф, ёки хато туюлиши, ёки маълумотнинг бир қисми далил ёки сабаб ва бошқалар).

➤ ўнг томонда талаба келтирилган цитата ёки фикрга ўзининг шарҳларини ёзади, яъни ўз муносабатини қуйидаги йўналишларда билдиради:

Уни бу фикр ёки ғоянинг нимаси қизиқтирди ва ёзиб олишга ундади? Бу нима ҳақда ўйлашга мажбур этди? Бу фикр бўйича у қандай саволларни ўйлади?

➤ матнни ўқиётганида талаба керакли қўшимча фикрларни аниқлаб, кундаликка ёзиб боради.

➤ иш якунлагандан сўнг ўқувчилар жуфтликларда ишлашлари, таҳлилларини алмашишлари, ўртоқлари таҳлилида уларга ёққан фикрни муҳокама этишлари ва кўрсатишлари мумкин.

Ўқитувчига тавсиялар:

✓ Сиз олдиндан цитаталар ёки ғоялар сонини белгилаб олишингиз мумкин (мисол учун, 2 та, 4 ёки 5 тадан), - цитаталар мазмуни ва йўналиши мутахассислик, фан ёки мавзуга мос бўлиши, керак.

✓ Агарда сиз ижтимоий-тарбиявий мавзуда бу машғулоти ўтказмоқчи бўлсангиз ғоялар ёки цитаталар ҳаётӣ-ижтимоӣ мавзуларда танланиши мумкин бўлади. Буларнинг барчаси сиз ўз олдингизга қўйган мақсадга ва сизнинг педагогик услубингизга боғлиқ бўлади.

Иш шакллари:

✓ учликларда ишлаш;
✓ кичик гуруҳларда ишлаш;
✓ блиц-сўров – сиз бир қатор ўқувчилардан фақат битта цитатани ва фақат биргина шарҳни ўқиб беришни сўрайсиз;

✓ Фидбэйк(якуний таҳлил).

Якунлар мунозара тайёрлаш ёки ўтказиш, иншо ёзиш ёки асосланган эссе ёзиш учун хизмат қилиши мумкин.

«Блиц-ўйин» методи. Методнинг мақсади: талабаларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Мен терговчи» мавзусидаги «Блиц-ўйин» намунаси.

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳо	Гуруҳ хато

Изоҳ: Ҳаракатлар мазмунига бўлажак терговчи маълум бир ишни бошлашидан тортиб то уни яқунлагунача бўлган ҳаракатлари аралаш тартида ёзилади ва талаба уни тўғри кетма-кетликда жойлаштириши сўралади. Ҳаракатлар сони топшириқ мазмунидан келиб чиқиб, 8 тадан 16 тагача бўлиши мумкин..

1.2 Ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Қарорда баркамол авлод тарбияси ва касбий маҳоратини аввало таълим муассасаларида ошириб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ҳам педагоглар ва тарбиячилар зиммасига улкан масъулиятлар юклади. Жумладан, Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит–қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт–шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли аниқ йўналтирилган чора–тадбирларни амалга ошириш”¹ муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни бекаму кўст амалга оширилиши учун бугунги кунда аввало бўлажак ўқитувчиларнинг савиясини ва билимини узлуксиз такомиллаштириб боришга мустаҳкам замин яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини

¹ “АДОЛАТ” ижтимоий сиёсий газетаси. – Тошкент, 2010, № 4, 29 январь.

топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат» тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да таъриф қуйидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис”². Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби;
3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши;
4. Ўқув – тарбиявий ишлар методикасини мукаммал билиши.

Педагогик маҳорат тизими қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий компонентлардан иборат:

1. Педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. Касбга оид билимларни бошқа фанлар билан алоқадорликда мукаммал билиш;
3. Педагогик қобилиятга эга бўлиш;
4. Педагогик техника сирларини пухта эгаллаш.

Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий –

² Педагогик энциклопедия. – Т. : Ўқитувчи нашриёти, 2010 й.

сийсий жиҳатдан чиниқтириб, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–ҳунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўллари излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчининг касбий маҳоратини, кўникма ва малакаларини ошириб бориш, ғамхўрлик қилиш, унга зарур шарт – шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий – методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим³.

Шунга асосан, «Педагогик маҳорат» фани, маҳоратли ўқитувчини тайёрлашга хизмат қилади, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касбий фаолияти сирларини, моҳирлигини ўргатувчи ва уни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар бериб борувчи фан бўлиб, ўқитувчида педагогик маҳоратнинг моҳият мазмунини, ҳозирги замон талаблари доирасида касбий фаолиятини ривожлантиришнинг йўллари, воситаларини, шакллари ўрганади.

Педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячига педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёнда хулқ–атвори ва ҳиссиётни жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб борувчи **педагогик фаолиятлар** тизими тўғрисида маълумотлар беради⁴. Педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик фаолияти замирида такомиллашиб боради.

³ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

⁴ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун жамият олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришда махсус тайёрланган ўқитувчилар меҳнати фаолиятидир. Бўлажак ўқитувчи ўз педагогик фаолияти жараёнида фаолиятнинг қуйидаги таркибий қисмларини билиши лозим:

- Педагогик фаолиятнинг мақсади.
- Педагогик фаолиятнинг объекти ва субъекти.
- Педагогик фаолиятнинг воситаси.

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчининг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчининг фаолияти **педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир**. Педагогик жараённинг объектлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳига ҳамда алоҳида ўқувчига, педагогик жараённинг субъектлари — ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчи педагогик фаолияти ижобий натижалари меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар тизимини: билим, болани тушуна олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлаб олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш кабилар ташкил этади.

Мазкур фаннинг мазмунидан касбга доир топшириқ ва вазифаларни ечиш учун ўқув – тарбия жараёнини бошқариш, унга раҳбарлик қилишда педагогик–психологик таълимот нуқтаи – назаридан ёндашиш, таълим – тарбияни миллий анъаналаримиз руҳида замонавий методлар асосида моделлаштириш, ўқув – тарбиявий жараёнда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш учун ўқитувчи маҳоратининг зарурлиги ҳақидаги маълумотлар ва уларни такомиллаштириш тизимлари ўрин олган.

Шунга кўра, «Педагогик маҳорат» фани касбга оид билим ва қобилиятларни ўқитувчиларда шакллантириш, ижодкорликни тарбиялаш, маҳорат, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун, педагогик техника, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат, нутқ маданияти тўғрисида маълумотлар бериб боради. Бу мақсад бўлажак ўқитувчида қуйидаги вазифаларни мунтазам бажариб бориш орқали амалга оширилади:

1. Бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратнинг назарий ва методологик асослари билан қуrollантириладилар.

2. Педагогик маҳорат фанининг педагогик техника, педагогик ҳамкорлик (мулоқот), педагогик назокат, педагогик қобилият, тарбиячи маҳорати, ўқув–тарбия жараёнини бошқариш, нутқ маданияти, педагогик ижодкорлик каби таркибий қисмлари тўғрисидаги билимлар тизимини эгаллайдилар.

3. Бўлажак ўқитувчилар миллий урф–одат ва анъаналаримизда ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой ижодий меросларида акс этган педагогик маҳорат сирларини мустақил эгаллашга нисбатан ўзларида эҳтиёж ва ҳавасни ривожлантириб борадилар.

4. Эгалланган педагогик–психологик ва методик билимлар, кўникма ва малакалар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўзининг шахсий педагогик маҳоратини шакллантиради.

5. Ўқув–тарбиявий жараёни жаҳон андозаларига хос сўнги замонавий метод ва шакллар асосида ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини мунтазам ўзлаштирадilar.

6. Ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини такомиллаштириш учун шахсий–ижодий малака оширишнинг шакл, усул ва воситаларини эгаллайдилар.

7. Тарбиячи маҳоратининг моҳияти, функцияси, тузилиши тўғрисида ўқитувчилар узлуксиз маълумотларни ўрганиб борадилар.

8. Юксак замонавий ахборот технологиялари ва портал тизимидан фойдаланиш асосида ўз касбий маҳоратларини шакллантирадilar⁵.

Бу мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши ўқитувчи – тарбиячини замон билан ҳамнафас бўлишга, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўра олишга ўргатади. Ҳар бир ўқитувчи шахсида мамлакатимизнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини виждонан тасаввур қилиб, аниқ бажариб бориши учун шижоат билан ўз имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга ўргатади, ҳамда педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш малакаларига эга бўлишни тарбиялайди.

Хўш педагогик маҳоратнинг ўзи нима? Унга ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан қуйидагича таъриф берилади: Педагогик маҳорат – ўқитувчининг шахсий (болажонлиги, хайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, қобилияти ва ҳоказо.) фазилатларини белгиловчи хусусият бўлиб, ўқитувчининг таълим–тарбиявий фаолиятида юқори даражага эришишини, касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолиятдир. У ўз фанини мукамал билган, педагогик–психологик ва методик тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини

⁵ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

излаб топиш учун, амалий фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши, ҳамда инсонийлик, изланувчанлик ва фидойиликни ўзида таркиб топтириши лозим. И.П. Раченко педагогик маҳоратни педагогик санъатнинг бир қисми сифатида таърифлаб, шундай ёзади: “педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик–психологик билимларни, касбий малака ва кўникмаларни мукаммал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий–эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр мулоҳазасига ишончи ва қатъий иродаси тушунилади”. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қуйидаги тўртта компонент педагогик маҳоратнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобланади:

- ўқитувчилик касбига садоқат;
- ўз фанини ўқитиш методикасини мукаммал билиши;
- педагогик қобилиятларини намоёйиш эта олиши;
- педагогик техникани ўз ўрнида қўллаб билиши.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва масъулиятли жараёндан иборат. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, ўқитувчи доимо онгнинг ягона соҳиби бўлмиш инсоннинг таълим–тарбияси билан шуғулланиб, у билан мулоқот олиб боради. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шу сабабли, бўлажак ўқитувчи тарбияланувчи билан доимий мулоқотда бўлиши, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология ва тарбия назариясини мукаммал ўрганиб, ўз касбий фаолиятини муттасил ривожлантириб бориши керак.

Ўқитувчининг шахсий фазилатлари сирасига иймон–эътиқоди, дунёқарашининг кенглиги, фаоллиги, одоб–ахлоқи, фуқаролик бурчини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва ўз мақсадларига интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги мамлакатимизнинг ижтимоий–сиёсий талабларига ўз фикр мулоҳазаси билан фаол иштирок этиши киради.

Ўқитувчининг касбий хусусиятларига: ўз касбини, болаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, ташкилотчилиги, нотиқлик маданияти, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши, интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга нисбатан интилиши ва бошқа фазилатлари киради⁶. Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги шартли равишда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- 1) Ўқитувчининг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги.
- 2) Ўқитувчининг руҳий – психологик тайёргарлиги.
- 3) Ўқитувчининг ижтимоий – педагогик ва илмий – назарий жиҳатдан тайёргарлиги.
- 4) Ўқитувчининг махсус ва ихтисосликка оид услубий билимларни эгаллаб бориши.

Яна таъкидлаш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячи шахсий ва касбий сифатларининг йиғиндиси бўлиб, ўқитувчи маҳоратини шакллантиришни таъминловчи омилларни, педагогик–психологик, методик билимларни доимий эгаллаб бориши лозим. Юксак педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи **омиллар** қуйидагилар:

⁶ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

а) ихтисослик бўйича ўқув предметини, замон, илм–фан, техника тараққиёти даражасида мукаммал билиши, унинг бошқа ўқув фанлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

б) таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиши ва баҳолаши;

в) таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиши;

г) ўқув – тарбиявий жараёни замон талаблари даражасида ташкил қилиш учун асосий педагогик– психологик, методик маълумотга эга бўлиши;

д) фанларни ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни билиши;

е) жамоани «кўра билиш», ўқувчиларнинг қизиқишлари, интилишлари, улар учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва ҳамдард бўла олиш, ўз вақтида улар фикрини англай билиш, зукколик билан ҳар бир боланинг характер хусусияти, қобилияти, иродасини тушуниш ҳамда уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиши;

ж) ўз шахсий сифатлари (нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳоказо) ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиши. Ўқитувчининг педагогик маҳорати педагогика олий таълим муассасаларида шаклланиб боради. Юксак савияли педагогик кадрлар тайёрлашга нисбатан талаблар, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўз касби билан узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган ўқитувчининг шаклланиши, бўлажак ўқитувчи умуммиллий мавқеининг ўсиб боришини таъминлайди.

1.3. Кейс-стади "case-study" педагогик технология сифатида.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб таълимни миллий асосда тўла қайта қуриш ва модернизациялашга жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, 1997 йили "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши ва унда назарда тутилган барча босқичларнинг амалга оширилиши бутун дунё "Ўзбек модели" деб эътироф этаётган таълим жараёнини қайта қуриш натижаларига олиб келди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини "Субъект-объект" муносабатидан "Субъект-субъект" муносабатига ўтказиш муаммоси қўйилган эди. Бундай вазифаларни адо этиш таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларининг қўлланилишини талаб этади. Инновацион педагогик тахнологиялар эса таълим натижаларига кафолатли эришни таъминлайди. Бугунги кунда инновацион педагогик технологиялар ичида кейс - стади технологияси алоҳида ўрин тутди.

Кейс (ингилизча - ҳодиса, вазият) - бу ходисани тафтиш қилиш ёки ишбилармонлик ўйинидир. Кейсни муайян "хусусий ҳолни" аниқ вазиятни тахлил қилиш технологияси деб ҳам аташ мумкин. Бунинг моҳияти шундан иборатки, унинг асосида муайян вазиятнинг ёки ҳолатнинг ифодаси ётади (case ингилзча - ҳодиса). Тахлил учун тақдим этилган ҳолат бирор реал ҳаётий вазиятни акс эттириши лозим. Иккинчидан, тақдим этилаётган вазиятнинг таркибида бирор жиддий мауммо ёки бевосита қийинчиликлар, қарама - қаршиликлар яширинган бўлиши керак. Учинчидан, албатта масалани ҳал қилиш учун ўқувчилар (изланвчилар) олдиндан назарий билимлар мажмуасини эгаллаган бўлиб, муаммонинг ечимини амалий вазиятга кўчира олиши ва қўллай олиши зарур. Кейс билан ишлаш жараёнида кўпинча иштирокчилар томонидан янги ахборотларни топиш зарурияти мавжуд бўлади. Охирги ҳолатда

Ўқувчилар ўзларининг шахсий хулосаларини мауммоли вазиятнинг ечимларини топишади. Кўпинча бундай ечимлар турлича ва кўп қийматли бўлиши мумкин.

Ушбу технология табиатан интерактивдир. Чунки, бошдан бошлаб ўқувчиларни горизантал бўйича субъект-субъект муносабатларига жалб этади. Ўқувчиларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик каби сифатларни намоён этишга имкон яратади, ўз нуктаи назарини билдириш ва бошқаларни фикрларини тинглаш каби сифатларни шакллантиради. Таъкидлаш лозимки, бундай ёндошув кўпинча ўқув дастури доирасидан ташқарига чиқишни тақозо этади. Бу эса ўқувчиларда мазкур фанни ўрганишга қизиқишни шакллантиради, касбга йўналтиришни таъминлайди. Қайд этиш зарурки, бу технологияни қўллаш технология учун эмас, балки ўқувчиларни таълим жараёнига компетентли жалб этишдир.

Ўқитувчилар учун, хусусан, география ўқитувчилари учун кейс технология етарлича муаммолидир. Биринчидан, у ўқитувчидан нафақат кейснинг ташқи жихатларини, дарсда қўллашни билишни талаб этади, балки кейс - типиди ўрганиш ва фаолият юритишни тақозо қилади. Бу ерда энг муҳим ўринни албатта кейсни қўллаш олиш кўникмаларини шакллантириш эгаллайди. Олдин ўқитувчи томонидан сўнгра ўқувчилар томонидан муаммоли - аналитик кейсларни ишлаб чиқиш кўникмаси ривожланиши керак.

Кейс стади технологияси таълим жараёнида 1920 йиллар Гарвард бизнес-мактабида Менежментга ўқитишда ишлаб чиқилган. Бунгача "study" атамаси ҳуқуқшуносликда кенг қўлланилган. Гарвардда эса ўқитувчилар ҳар бир маърузадан кейин талабаларга бизнес ёки уни бошқариш соҳасидан муаммога эга бўлган муайян ҳаётий вазиятларни муҳокама қилиш ва ечимини топишни таклиф қилишган. Жонли муҳокама асосида талабалар муаммоларни ҳал қилишган. Бу ерда топилган муаммонинг ечимларини жамоа бўлиб, муҳокама қилиш муҳим ўрин эгаллаган.

Кейс - стади технологияси дунё бўйича таълим амалиётига 1970-1980 йиллардан қўлланила бошлаган. Бу технологиянинг ахамиятини кўрсатиш учун қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: Гарб олий таълим муассасаларида типик вазиятларни таҳлил қилишга ўқув вақтининг 35 - 40% и бағишланади. Чикаго университетининг бизнес мактабида кейсларни хиссаси 25 % вақтни эгаллайди. Колумбия университетининг бизнес мактабида 30 % ни, машҳур Уортонда 40 % вақтни ташкил қилади. Бу метод унга ажратилган вақтга кўра етакчи ўринни эгаллайди. Гарвард университетида оддий студент ўқиш давомида 700 тагача кейсни таҳлил қилади. Собиқ иттифоқ даврида вазиятларни таҳлил қилиш методидан асосан иқтисод факультетларида илғор профессор - ўқитувчилар томонидан фойдаланилган. Бу метод ўйин ва мунозарали методлар билан қўшиб олиб борилган ва технология даражасигача кўтарилмаган. [11]

Бизнинг республикамызда кейс технологиясига 1990 йиллардан кейингина қизиқиш кучайди. Бу иқтисодиётнинг ва ишлаб чиқаришнинг янги тизимга ўтганлиги ва мутахассисларга талабнинг ўзгарганлиги билан боғлиқдир. Ҳаётнинг барча соҳаларида ғояларни ва технологияларни амалиётга қўллаш оладиган "ўз жамоасида" биргаликда ишлай оладиган инновацияларга мойил, вазиятни танқидий ва тезкор таҳлил қила оладиган мутахассисларга эҳтиёж кучайди. Шу сабабли таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда муаммоли вазиятларни ҳал қилишга қобилиятли кадрларни тайёрлаш учун кейс технологиясини қўллаш кучайди. Қайд этилганидек, кейс технология нафақат ўқув жараёни билан чекланади, балки илмий тадқиқот методи ҳамдир.

Таълимда кейс-стадининг - қуйидаги вариантларидан фойдаланиш мумкин. Очiq мунозарали дарсларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг амалий вазиятни муҳокама қила олиш кўникма ва малакалари ва ўқитувчининг мунозарани ташкил қила олиш кўникмаси муҳим омилдир. Ўқувчиларга мақсадга йўналтирилган саволлар бериш орқали ўқувчиларни матндаги кейс муаммосига жалб этади, қаратади ва ўқувчиларнинг жавобларини

рағбатлантиради ва йўналтиради. Мунозара давомида ўқитувчи уни бошқариб боради ва мунозарада ҳар бир ўқувчининг иштирокини таъминлашга эришиши зарур; ўқитувчи ўқувчилар томонидан топилган ечимларни таҳлил қилиш билан мунозарани якунлаши мумкин.

Ўқувчиларнинг билимларини фантал аниқлаш давомида ўқувчилар кейс матннинг муаммосини топишади. Вазиятни баҳолашади, ҳодиса ёки жараённинг таҳлилини беришади, ўз ечимларини таклиф қилади. Бу ерда кейс ўқувчиларда коммуникатив малакаларни ривожлантиради. Уларни ўз фикрини қисқа ва аниқ ифодалашга ўргатади.

Кейинги пайтларда кейс технологияларидан ўқувчиларни якуний баҳолашда кенг фойдаланилмоқда. Бунда ўқувчилар якуний назорат олдидан кейс топшириғини олишади ва уни таҳлил қилиб ўқитувчига ҳисоботларни топширишади. Кейс технологияда асосий таянч тушунчалар "вазият" ва "таҳлил" тушунчалари ҳамда улардан ҳосил қилинган "вазиятнинг таҳлили" тушунчаларидир. "Вазият" тушунчаси ҳолат, ҳодиса, ҳаракат каби тушунилиши мумкин. Ўзида маълум қарама - қаршиликларни ва баҳолашни ёки вазиятдан чиқиш усуллари ўзида сақловчи ўзаро боғлиқ фактларнинг тўпламини билдиради. Вазият эса ўзгариш динамикасини кўрсатадиган бўлиши лозим (шундай эди - ҳозир шундай ҳолатда- келажакда бундай бўлади). Агар кейс у ёки бу ўқув предмети билан боғлиқ бўлса у ҳолда, тўла ахборот ёки муаммоли вазият мавжуд билимларини ҳаракатга келтириши ва уни мактабдан кейинги касбий фаолиятга йўналтириши лозим.

Кейс устида ишлаш матндаги муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ундаги алоҳида мазмунли элементларни ажратиб олишдан бошланади, муаммонинг моҳияти ундаги қарама - қаршиликлар, уларни юзага чиқарган сабаблар аниқланади. Тизимли корреляцияли, факторли, статистик ва бошқа таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш ўқувчиларга муаммоли вазиятдан чиқишнинг хулосалари ва ечимларини топишга имкон яратади.

Ўқув машғулотларини кейс технологияси асосида ўтказишда қўшимча вариантларни қўллаш мумкин. Масалан, муаммоли вазият ва унинг ўзаро мос келмайдиган ечимлари бўйича мунозара, "ақлий хужум", илмий баҳс ва дебатлар ташкил қилиш мумкин. Дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи кейс технологиядан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олиш зарур. Бу ерда Б.С.Блум томонидан таклиф қилинган машғулот мақсадларини аниқлаш таксаномиялардан фойдаланиш мумкин, уларни эслатиб ўтамиз: билиш - тушуниш - қўллаш - анализ - синтез - баҳолаш.

Билиш ва тушуниш даражасидаги асосий иш маъруза, суҳбат, ҳикоя, ахборот билан интерфаол ишларни амалга ошириш давомида бажарилади. Бу ерда ҳам ахборотли кейс матндан фойдаланилади. Бунда фойдаланилган атама ва тушунчалар, формулалар ва қоидаларни таҳлил қилиш мумкин.

Қўллаш босқичида эса реал ҳаётий вазиятларга қўллашни кўриб чиқиш мумкин. Бунда предметли - касбий ва шунга ўхшаш вазиятларга олдин олинган билимларни қўллаш асосида муайян муаммоларни ҳал қилишни қараб чиқиш мумкин. Анализ ва синтез басқичи таълим жараёнига муаммоли - тадқиқий характердаги кейсларни қўллашга имкон яратади. Айниқса географияни ўқитиш жараёнида экологик, табиий иқлимий, ижтимоий - иқтисодий технологик ва бошқа муаммоларни қўйиш орқали кейс-стадидан самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар томонидан юқори даражадаги мақсадлар қўйиш ва унга эришишнинг таъминланиши кейснинг мураккабликлари, матндаги вазиятни тушуниш, англаб олиш, ундаги сабаб - оқибат алоқаларини аниқлай олиш муаммо ечимининг вариантларини топа олиш ва зарур умумлашган хулосалар чиқара олиши билан боғлиқдир. Бу ерда ўқувчи ўз ишига ўртоқларининг топган жавоблари ва ечимларига ҳамда оппонентларнинг фикрларига баҳо беради. Ўқув кейслари жуда муҳим тарбиявий функцияни ҳам бажаради. Чунки кейсни ечиш давомида маънавий-ахлоқий, ахлоқий-хулқий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа

вазиятларни муҳокама этади. У ердаги муаммоларга ечим топишда фаол катнашади. Шундай қилиб, кейс технология ўқитувчи учун ўзича мақсад эмас, балки таълим жараёнини самарадорлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Кейсларнинг турлари ва мазмуни:

1. *Амалий кейслар* - бундай кейслар имкон борида киритилаётган вазият ёки ҳолатларни реалроқ акс эттириш керак. Буларга тарихий манбаларни, реал ҳужжатларни, маълумотларнинг статистикасидаги ўзгаришларни келтириш мумкин. Булар реал ҳолатларни моделлаштириш, муҳитдаги экологик ҳолат, ёки техник - технологик муаммоларни моделлаштириш орқали ечишни қамраб олади. Бундай кейсларнинг мақсади ўқувчиларда ўқув, предметли билим ва кўникмаларни келгусида реал ҳаётдаги касбий фаолиятда қўллашга ўргатишдан иборат.

2. *Ўргатувчи кейслар* - бундай кейсларнинг вазифаси ўқитишдан иборат. Бунда ўқувчилар томонидан типик ўқув вазиятларида эгаллаган билим ва кўникмаларни автоматизм даражасига етказиш, яъни реал вазиятларда қўллаш олишни таъминлашдан иборат. Бундай жараёнда малакалар синтезлашади.

3. *Илмий тадқиқот кейсларининг* мақсади ўқувчиларни илмий тадқиқот фаолиятига жалб қилишдан иборат. Масалан, олиши ва эгалланиши мумкин бўлган барча ахборотларни эгаллаш орқали локал ёки регионал типдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат муаммолар бўлиши мумкин. Бундай кейсларни таркибига олдин тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, ҳал қилинган муаммоларни ҳам киритиш мумкин, аммо уни ҳал қилишда янгича ёндошувлардан фойдаланиш асосида амалга оширилади. Илмий тадқиқот кейсларини йирик олимларнинг илмий ишлари, газета ва журналлардаги материаллар, "Интернет" маълумолари асосида ташкил қилиш имкониятлари кенг.

Илмий методик адабиётларда қайд этилишича мавжуд маълумотларни кейс топшириғига ажратиш ва қайта ишлаш зарур. Биринчидан кейс матни

оптималь ҳажмда бўлиши керак. Масалан, 5 - 7 синфлар учун - 0,5-1 бет, юқори синфлар учун 3 - 5 бетдан иборат бўлиб, иккитадан бештагача мазмунли, муаммоли фрагментлар бўлиши лозим. Таклиф қилинаётган кейс ўқитувчи томонидан зарур ҳолларда изоҳланиши зарур. Албатта кейс технологияларидан фойдаланилганда зарур адабиётлар ва интернет маълумотларининг манзиллари кўрсатилиши зарур.

Кейс технологияни қўллашга оид методик тавсияномаларда энг асосий эътибор кейс матнига қаратилиши тавсия этилган. Шунингдек, кейс топиширини бажаришда ўқувчилар томонидан қўшимча ахборотларнинг тўпланиши ва бундай компьютерли презентациялар ишланиши фойдали эканлиги қайд этилган. Дарс жараёнида кейс технологияни қўллаш бўйича ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил қилиш турли туман бўлиши мумкин. Биз қуйида кўпроқ тарқалган усулларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Кейснинг муаммоли вазият ёзилган матн ўқувчиларга маъруза олдидан, ўқув маълумотини ўрганиш олдидан, қўшни мавзуларни ўрганишдан олдин тарқатилади. Бундай матн муаммоли вазиятни шакллантириш, мавжуд билимларни фаоллаштириш, уларни тизимлаш, қизиқиш уйғотишга хизмат қилади. Бу метод "Биламан - Билишни ҳоҳлайман - янги нарсани билиб олдим" методи билан бевосита боғлиқ.

Кейсдан мавзунини мустақил ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усулни қўллашда материал ҳажми етарлича бўлиши ва ўқувчиларнинг ёш психологик имкониятларини ҳисобга олиши керак. Саволлар кейс мазмунига ва ўқув қўлланманинг матнига боғлиқ бўлиши керак. Шунингдек, ўқитувчи томонидан "Интернет ресурслар" тавсия этилиши зарур.

Кейс (вазият матни) - ўқувчиларга ўрганилаётган муаммони таққослаш ва таҳлил қилиш учун тарқатилади. Ўқувчилар амалий фаолиятини ташкил қилиш алоҳида дарсда кичик гуруҳларда, жуфтликда ёки индивидуал ҳолда ташкил қилинган бўлиши мумкин.

2– БОБ. "АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ" КУРСИНИ ЎҚИТИШДА КЕЙС - СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

2.1. Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни

Амалий географиянинг назарий асосларини билмаган ҳолда мелиоратив тадбирлар ва шаҳарларнинг лойиҳаларини тузиш, саноат, қишлоқ хўжалиги транспорт ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этишнинг амалий (конструктив) жиҳатларини ўқувчи таҳлил қила олмайди. Бу борада ҳар бир географ ҳудуд хусусияти ва имконияти муаммолари истиқболли йўналишини чуқур ҳис қилиш талаб этилади. Шунинг учун, мавзуларга мос ҳолда амалий, ўргатувчи ва илмий-тадқиқотли кейслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Амалий кейсларнинг асосий мақсади ҳаётий ҳолатни синчиклаб, тўла акслантиришдан иборат. Бундай кейслар вазиятнинг амалий, яъни “ҳаракатланувчи” номли вазият моделини яратади. Бундай кейснинг ўқув вазифаси ўқувчиларни тренинга, бундай вазиятда қарор қабул қилиш билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга мўлжалланади. Бундай кейслар имкон қадар кўргазмали ва ҳижжаланган бўлиши лозим. Уларнинг энг асосий маъноси ҳаётни билиш ва муқобил фаолиятга кўникишни эгаллашдир.

Ўргатувчи кейслар ҳаётнинг вазифаларини бирга бир акс эттирмайди: биринчидан, у ҳаётда кўп учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида учрайдиган типик вазиятни акс эттиради; иккинчидан, ўргатувчи кейсларда, биринчи ўринда, ҳаётни акс эттиришнинг шартли элементи бўлган ўқув ва тарбиявий вазифалари туради. Бундай кейслар жамиятнинг аниқ лавҳасини тушунишга камроқ имконият беради. Лекин у, албатта, шундай лавҳага ёндашувни шакллантиради. У типик вазиятни кўришга имконият беради ва олдиндан аналогияни қўллаган ҳолда, вазиятни таҳлил қилиш қобилиятини

аниқлайди. Янги педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, ўқув жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киради. Булар қуйидагилар:

- Ўқув бирликларини (мезонлар) белгилаш;
- Диагностик таҳлил;
- Тузатиш киритиш;
- Қайта ишлаш (тўлдириш);
- Кутилиши лозим бўлган (кафолатланган) натижани олиш;
- Рейтинг (таққослаш).

Юқоридаги тамойиллар ва элементларга асосланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни таълимга жорий этиш, айниқса ривожланган давлатлардаги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълимий педагогик технология тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Таълим жараёнининг иштирокчилари – педагог ва ўқувчи ўртасида ўқув меҳнати режасини ишлаб чиқиш: яъни педагог бўлим ёки бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи фаолият ўз аксини топмоғи керак.

2. Фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш. Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган кичик ёки йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларига таянади. Демак ўқувчини янги бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса «оралиқ тайёргарлик» олиб бориш ва шундан кейингина ўқувчини билимларини ўрганишнинг навбатдаги босқичига олиб кириш лозим. Бундай ишлаш янги педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири **диагноз**(ташҳис)

ҳисобланиб, ўқувчиларнинг янги билимларини ўзлаштириш қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат ⁷.

3. Ўқув бирликлари(мезонлари)ни белгилаш. Ўқув бирликлари ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантикий боғланишнинг таъминланиши шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқитувчи боб, бўлим учун ажратилган соатларда ўқувчилар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларни аниқлайди, у учун ажратилган вақтни белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши (билиши) зарур бўлган мезонлар ҳисобланиб, ўқувчи билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати билан ўлчанади, яъни ўқувчи ушбу кўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Ўқитувчи шу пайтда гуруҳга нисбатан ўртача баҳо билан ишламайди, балки аниқ ўлчовларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун, ҳам ўқув бирликларини билиш ўқувчи учун зарур топшириққа айлантирилади. Дарс режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, семестрлар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4. Диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликларни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтарилиш мақсадида ташҳислаштириш амалга оширилади. Диагностика қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- ўқувчилар ўзлаштириш даражасини ташҳислаштириш;
- бўлимлардаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;

⁷ Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань, 1993, 88б.

- аниқланган етишмовчиликларини тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб, унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади. Тест сўрови натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади:

1. Қайси ўқувчи қайси ўқув бирликларида қийналади;
2. Ўқитувчи қайси билимларини кучайтириш лозимлигини аниқлайди.

3. Тузатиш киритиш. Бўлим, бобнинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50%дан кам кўрсаткич олинса, ўқитувчи таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Тузатиш киритишда қуйидагилар бажарилади:

–ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш (диагностик таҳлил асосида);

–қайта ўрганиши лозим бўлган мавзуларни янгича ўргатиш услубларини ишлаб чиқиши;

–дарс режасида тузатиш киритиш вақтларини белгилаш.

4. Қайта тўлдириш (нуқсонларни тугатиш). Қайта тузатиш киритишдан мақсад олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни тузатиш тўлдириш асосида амалга оширилади. Қайта тўлдириш асосан амалиёт машғулотларида бажарилади. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириш даражасидаги «тўлдиришни» амалга оширмоғи лозим. Бунда ўқитувчи танлаётган ўқув вазифасининг даражасини ўқувчиларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириши зарур.

5. Кутилиши лозим бўлган(кафолатланган) натижани олиш. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қилиш билан бирга, жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга оширилиши ва натижали бўлишининг мақсадли режалаштирилишини ўқитувчи олдига мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиниб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинishiга эришилади.

Кейс-стадининг муаммоли вазиятининг детерминацияси асосий манбалари турлича таснифга эга бўлиши мумкин. Кейс-стадини тузишнинг амалиётида асосан бир манбанинг усутунлик қилиши кузатилади. Ушбу ёндашув, манбаларнинг таъсирига кўра, кейс-стади технологияси доирасида кейсларни таснифига асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Бунда *амалий кейсларни* ажаратиш мумкин, улар мутлақ ҳаётii вазиятларни тавсифлайди; бундан ташқари *таълимii кейслар* гуруҳини ҳам ажратиш мумкин, уларнинг асосii вазифаси таълим беришдир; *илмii-тадқиқотчилик кейслари*, тадқиқотчилик фаолиятини юзага келтириш мақсадини кўзловчи кейслар сарасига киради.

Амалий кейсларнинг асосii вазифаси — ҳаётii вазиятни мукаммал даражада акс эттиришдир. Моҳиятан ушбу кейслар тоифаси вазиятнинг амалий моделени шакллантиради. Бундай пайтда кейс-стадининг таълимii вазифаси ўқувчиларда у ёки бу хулқ-атвор андозларини қарор топтириш, қарор қабул қилиш ва маълум билим, кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиши мумкин. Кейслар максимал даражада кўргазмали ва мукаммал бўлиши амалий географиянинг асосii йўналишлари ва тадқиқот услубларини, аҳоли ва хўжалик тузилишини тўғри ташкил этиш мақсадларида олиб бориладиган ландшафт тадқиқотарининг илмii асосларини, инженер ва географик

шаҳарсозлик йўналишларида амалий географиянинг усул ва услубларини қўллаш йўллари ҳақида тегишли билимларни, дунёвий ва минтақавий эколого-географик муаммоларни ечиш йўллари кабиларни ўргатишда қулайликлар яратади. Ҳар қандай кейс-стади технологияси ўзида таълимий функцияни мужассам этсада, кейс-стадининг турли хилларида ушбу функциянинг намоён бўлиш даражаси турлича бўлади. Шунинг учун таълимий функцияси етакчилик қилаётган кейслар ҳаётни ўзига хос тарзда акс эттиради.

Биринчидан, ушбу кейслар мутахассис кундалик ҳаётида кўп учрайдиган касбий фаолият давомида тўқнаш келиши мумкин бўлган типик вазиятлар тўпламини акс эттиради.

Иккинчидан, таълимий кейсларда биринчи ўринда таълимий ва тарбиявий вазифалар туради. Бу эса ҳаётни акс эттиришда маълум бир шартли ҳолатларни тақозо этади.

Айни шундай хусусиятлар тадқиқотчилик кейс-стади технологиясига хос бўлиб, унинг асосий мазмунини инсоннинг вазиятга тегишли янги маълумотга ва унда ўзини тутишнинг янги усулларига эга бўлиш ташкил этади. Унинг таълимий функцияси илмий тадқиқот кўникмаларини моделлаштириш методи воситасида эгаллашдан иборат бўлади. Шунинг учун бундай кейслар технологиясидан кадрларга дастлабки касбий билимларни беришда эмас, бевосита кадрлар малакасини оширишда, яъни мукаммал касбий кўникма ва малакаларга эга, тадқиқотчилик фаолиятига тайёр субъектлар билан ишлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кейс-стади технологиясидан фойдаланишда ҳар бир кейснинг структураси (тузилиши) алоҳида аҳамияга эга бўлади. Ҳар қандай кейс қуйидаги структурага эга бўлади:

- ✓ Вазият – муаммо, ҳаётдан мисол;
- ✓ Вазиятнинг контексти – хронологик, тарихий, жой контексти, ҳаракат иширокчилари ўзига хосликлари;
- ✓ Муаллиф томонидан келтирилган изоҳ;

- ✓ Кейс-стади технологияси билан ишлашда топшириқлар ва саволлар тўплами;
- ✓ Илова.

Қайси турга киришидан қатъи назар кейс-стади технологияси ўзи ичига мана шу таркибий қисмларни олади. Уларнинг тўғри кетма-кетликда, зарур қонуниятлар асосида жойлаштирилиши технология самарадорлигини оширади. Шунинг учун кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиш босқичлари алоҳида кўрсатиб ўтишни зарур деб билдик. Амалий географиядан кейс-стади технологиясини ишлаб чиқишни қуйдаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Таълимий мақсадлар тизимида ушбу кейснинг ўрнини белгилаш;
2. Кейснинг мавзусига бевосита дахлдор бўлган институционал тизимни излаш;
3. Вазият моделини ташкил этиш ёки уни танлаш;
4. Тавсифни яратиш;
5. Қўшимча ахборотни тўплаш;
6. Яхлит матнни тайёрлаш;
7. Кейс-стади технологиясини презентациясини тайёрлаш, мунозарани ташкил этиш.

Кейслар билан ишлашнинг турли вариантлари бўлиб, улар ўқитувчининг креативлик қобилиятидан келиб чиқади. Амалий географиядан кейс-стади технологияси билан ишлаш жараёнини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

-Табиий ва ижтимоий-иқтисодий ходисаларни илмийлик ва мантиқийлик асосида ўрганишни билиши;

-мустақил ва замонавий фикрлаш, олган билимларини амалиётга тадбиқ қилишга ва илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда бажаришга доир **қўникмаларга эга бўлиши;**

-геосистемалар ривожланишининг башорати ва уларни бошқариш, турли геосистемалар бўйича дала тадқиқот ишлари олиб бориш методлари, ҳудудлар

табiiй ресурсларини баҳолаш, ҳудудий мажмуалар шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилишда илмий тадқиқот усулларини қўллай билиш ва ҳулосалар чиқариш *малакаларига эга бўлиш* керак.

**Кейс-стади таълим технологиясининг таълим жараёнида қўлланиши
қуйидаги натижаларга эга бўлади:**

Ушбу метод кенг таълимий имкониятларга эга бўлиб, уларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин – таълимий натижалар, улар билимларни, кўникмаларни ўзлаштириш билан боғлиқва тарбиявий натижалар улар ўз навбатида таълимнинг шахсий самарадорлигига эришиш, талабаларнинг ўзаро таъсир жараёнида ўзида янги шахсий ва коммуникатив, касбий фазилатларини кашф этиши.

№	Таълимий натижалар	Тарбиявий натижалар
1	Янги ахборотни ўзлаштириш;	Муаллифлик маҳсулотини ярата олиш
2	Маълумотларни тўплаш кўникмаларини эгаллаш;	Шахсий мақсадларга эририш
3	Анализ қилиш методларини ўзлаштириш;	Касбий компетентлик даражасининг ортиши
4	Матн билан ишлашга ўрганиш;	Қарор қабул қилиш, янги вазиятда ўзини бошқара олиш, муаммони ҳал этиш кўникмаларининг шаклланиши
5	Назарий ва амалий билимларни таққослай олиш кўникмаси	

Замонавий таълим технологияларини қўллаш жараёнида педагог кадрларга қўйиладиган замонавий талаблар мавжуд. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош мутахассислар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим бериш маҳорати;

- Тарбиялай олиш маҳорати;
- Ўқув – тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- Таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила билиш маҳорати.

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «Қиёфа»сини ифодалайди. Малакавий талаблар педагогнинг умумлаштирилган моделида келиб чиқадиган алоҳида йўналишлар бўйича қуйида табақалаштирилган тайёргарлик йўналишлари берилган. Касбий тайёргарлик йўналиши бўйича (педагогга қўйиладиган талаблар):

- ўқитиладиган фан мансуб бўлган тармоқ билимлар соҳасининг тарихи ва ривожланиш истиқболлари;

- ўқитиладиган фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳақида;

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида;

- ўқитадиган фани бўйича ўқув дастурини;

- ўз фани ва тегишли тармоқнинг замонавий илмий ва амалий ютуқларини;

- дарс берадиган фанининг тушунчалари, атамалари ва таърифлари, қонуниятлари, тамойиллари, усуллари ва услубларини;

- илмий-амалий ижодиёт методологиясини;

- фан бўйича тегишли машғулотлар олиб боришда далиллаш ва инкор этиш усулларини;

- Илғор педагогик технологиялар, ўқув жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фан бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик услубларни;

- мувофиқ соҳанинг малака ошириш учун керак бўлган касбий ахборотни билиши ва қўллай олиши;

- мутахассислиги бўйича ташкил этилган педагогик маҳоратни ошириш курсларида фаол иштирок этиш;
- ўқитадиган фани бўйича билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- фанга таълуқли турли маълумотлар (маъруза, дарс, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар)ни малакали ўтказиш ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкилий ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан самарали фойдаланиш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчининг фан бўйича олган билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг объектив шакларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

2.2. “Инсоннинг табиатга таъсири турлари” мавзуси бўйича кейс-стади технологияси

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий жиҳатларини синовдан ўтказишда асосан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларнинг география ўқитувчилари ёрдамига таяндик. Шунингдек, педагогик амалиёт даврида касб-ҳунар коллежларида Амалий география фанини ўқитишда кейс-стади технологиясидан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Бу технологияни амалда самарадорлигини аниқлаш мақсадида Амалий география курсининг асосий бўлимларини имкон борича кейс - стади технологияси (методи) асосида лойихалаштирилди ҳамда касб-ҳунар коллеж ўқитувчиларига фойдаланиш учун тақдим этилди. Мазкур ишда олинган натижалар умумлаштирилди ва хулосалар қилинди.

Педагогик амалиёт давомида маъруза ва амалий машғулотларни кейс стади технологияси асосида лойихалаштиришга ва география ўқитиш жараёнида кейс

- стади элементларидан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Машғулотларда муаммоли ва амалий вазиятларни юзага келтириш ҳамда уларни ҳал қилишга ўқувчиларни йўналтириш орқали кейс-стадидан фойдаланишни маълум даражада йўлга қўйдик. Албатта кейс-стади қўллашда қатор қийинчиликларга дуч келдик. Булар:

- ҳар бир машғулотни бошлашдан олдин кейс-стади тузиш яъни муаммоли амалий вазиятни ҳосил қилишда;

- ўқувчиларни кейс -стадини ҳал қилишга бағишланган баҳс мунозарада тўлақонли иштирокини таъминлашда;

- ўқувчиларнинг ҳар бир амалий муаммо бўйича ўз фикр мулоҳазаларини мустақил ва эркин баён қилаолишларида намоён бўлди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики ўқувчиларни кейс-стади асосида ишлашга мунтазам ва узлуксиз равишда йўналтириб, шакллантириб бориш зарур экан, бу нафақат география фани ўқитувчиларини балки, барча предмет ўқитувчиларини ҳамкорликда ўзаро боғлиқликда фаолият юритишларини тақазо қилар экан.

Биз қуйида назорат ва тажриба гуруҳларида олинган натижаларни намуна сифатида келтирамиз. Таққослашлар шуни кўрсатадики тажриба ўтказилган гуруҳлардаги сифат кўрсаткичлари назорат синфлардаги сифат кўрсаткичларидан анчагина юқори эканлигини кўрсатади.

Тажриба синов ишларининг натижалари

Назорат гуруҳи					Тажриба гуруҳи				
	"3"	"4"	"5"	Сифат кўрсаткичи % да		"3"	"4"	"5"	Сифат кўрсаткичи % да
101 гуруҳ	14	10	6	53%	102 гуруҳ	5	14	10	80%

Демак, "Амалий географияни" ўқитиш давомида кейс-стади технологиясидан фойдаланиш география ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошишини таъминловчи имкониятлардан бири экан. Қуйида "Инсоннинг табиатга таъсири турлари" мавзусида таёйрланган кейс-стадини келтирамиз.

1. Мавзунинг педагогик аннотацияси

Ўқув предмети: Амалий география.

Мавзу: Табиат ва жамият

Кейснинг асосий мақсади: Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш, сақлаш ва бойитиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги тўғрисида тушунча бериш.

Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:

- Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир оқибатларини тушунтириб бериш;
- Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш мезонларини аниқлаш;
- Мавзуни ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишда назарий билимларини қўллаш;
- муаммони аниқлаш ва ечишда оптимал методларни танлаш.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Ўқувчи билиши керак: Бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш. Сақлаш ва бойитиш, табиатни эъзозлаш ва муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги.

Ўқувчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илғари суради; тушунчаларни аниқлаш ва

тизимга солиш, тегишли адабиётлар орқали олган билимларидан мантикий хулоса чиқариш, таҳлил қилиш ва зарур билимларни ўзлаштириш;

Ўқувчи эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

2. Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати

Асосий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Анучин В.А. Основы природопользования. М., Мысль. 1978.
2. Исаченко А.Г. Оптимизация природной среды. М., Мысль. 1980.
3. Рафиков А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., Ўқитувчи.Т., 1997.
4. Ғуломов П.Н. География ва табиатдан фойдаланиш. Т., Ўқитувчи. Т., 1985.
5. Ғуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. Т., Университет. 1990.

3. Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейснинг тавсифномаси: Мазкур кейснинг асосий манбаи намунавий дастурдаги асосий адабиётларни таҳлил қилиш асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

4. КЕЙС: Табиат ва жамият

Кириш. “Табиат” тушунчаси бир неча хил илмий талқинга эга. Кенг маънода “табиат” сўзи Оламнинг бутун моддий – энергетик ва ахборий (информацион) дунёсини англатади. Кўпинча табиат сўзи кишилик жамияти мавжудлигининг табиий шароитлари мажмуасини билдиради. Жамият табиатга бевосита таъсир кўрсатади; табиат билан ўзининг хўжалик фаолияти орқали боғланган “табиат - жамият” системаси қаралганда кўпинча ана шу тушунча назарда тутилади.

Табиат – Ерда ҳаётнинг асосий ва зарурий шароити, инсониятнинг уйи (муҳити), барча табиий ресурслар ҳамда аҳолининг маданий, эстетик, рекреация эҳтиёжларини қондирадиган манбаидир. Жамият - кишиларнинг биргаликдаги фаолиятининг тарихан вужудга келган шаклларнинг мажмуасидир. У кишиларнинг моддий ҳаётининг ишлаб чиқаришини, яъни моддий ишлаб чиқаришни, табиий ресурсларни ва шароитларни қайта тиклашни ва инсонни такрор барпо қилишни ўз ичига олади.

Қуйидаги кейс - Табиат ва жамият. Уларнинг бир бутун ҳосила эканлиги. Табиат билан инсон ўртасидаги алоқадорлик. Модда ва энергия алмашинуви ҳақида берилган фикрларни ўрганиш қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари курсини мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланади. Мазкур кейсни ечиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- ечилиши кўзда тутилган муаммонинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- кўзда тутилган ва хулосаланган мантикий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини назорат қилиш.


Қуйидаги муаммоли вазиятларни ўрганиб чиқинг ва жавобингизни баён этинг;

Табиий – мухит ўзгаришини географик-экологик экспертиза ўтказиш орқали баҳолаш тажрибаси

Ҳозирги кунда бутун дунёда географик-экологик экспертиза кенг тарқалмоқда. Айрим йирик муҳандислик иншоотларининг лойиҳалари ҳатто халқаро экспертлар гуруҳлари томонидан экспертизадан ўтказилмоқда. Масалан, Хитойнинг Янцзи дарёсидаги энг йирик “Уч дара” ГЭСи экспертизаси америкалик мутахассислар томонидан амалга оширилган.


Дунё бўйича жуда кўп иншоотларнинг табиий шароитни ҳисобга олмасдан қурилиши натижасида бир қанча фалокатларнинг рўй бериши, айрим иншоотларнинг эса табиатга кучли салбий таъсири оқибатида қатор экологик муаммоларнинг юзага келиши лойиҳаларни географик-экологик экспертизадан ўтказишни шарт қилиб қўйди. Шу мақсадда Ўзбекистонда ўтган асрнинг 1990-йилларидан бошлаб йирик иншоот ва объектларнинг лойиҳалари географик-экологик экспертизадан ўтказила бошланди. Масалан, Сўх сув омбори мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Сўх сув омбори қурилишининг ижобий ва салбий оқибатлари



Ушбу чизма ўқувчилар билан бирга тўлдирилади

Географик-экологик экспертиза усуллари (Ўқувчилар билан муҳокама қилиш жараёнида тўлдирилади)



3. Экспертиза учун зарур бўлган маълумотлар мажмуаси

Ўқувчилар 4та гуруҳга бўлиниб, қуйидаги шаклни тўлдиради.



6. Дарс машғулотини яқунлаш, Ўқувчиларни баҳолаш ва фаол иштирокчиларни рағбатлантириш

Уйга вазифа бериш билан дарс тугалланади.

5. Табиат ва жамият ҳақидаги фикрлар (1-вазият)

“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдилинг

Муаммоли вазиятлар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари
Табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларига баҳо беринг	Табиий ҳудудларни мажмуали ўрганиш, ҳудудий яхлитлик ва географик қобикнинг бир бутунлиги қонунияти.
“Табиат-инсон-жамият» тизимининг эволюцион ривожланиши	Ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий ресурсларни тадқиқ қилиш ва хўжаликда фойдаланиш.
Барқарор ривожланиш концепцияси	

Тўлдирилган жадвал (ўқитувчи олдиндан тўлдиради – талаба қўлига берилмайди)

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари
Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари.	Амалий географиянинг илмий йўналишлари ва тадқиқот методлари. Табиат – аҳоли – хўжалик тизими тузилишидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликлар. Табиий ва ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари.

Ўтказилган таҳлиллар ва натижалар: Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш –объектнинг ҳолати аниқлангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, “Т - схема” жадвалини тўлдираамиз.

Амалий географиянинг вазифалари берилган каторни кўрсатинг.	*Хўжалик мақсадларида фойдаланиш нуқтаи-назардан табиий шароит ва ресурсларни баҳолаш
Амалий географиянинг мақсади тўғри берилган каторни кўрсатинг.	*Инсон томонидан табиий ва ижтимоий муҳитнинг ўзгартирилиши жараёнини баҳолаш ва башорат қилиш
Амалий географиянинг предмети тўғри берилган каторни кўрсатинг.	*Умумсайёравий, минтақавий ва маҳаллий экологик муаммоларнинг юзага келиш сабабларини очиб бериш ва улар ечимининг географик асосларини ишлаб чиқиш
Амалий географиянинг қандай тадқиқот усуллари мавжуд?	*Системали, экологик, ландшафт ва иктисодий
Амалий географиянинг тадқиқот усуллари қандай аташ мумкин?	*Ёндошув

“Муаммоли вазият” жадвалининг якуний кўриниши

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
Табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари	Табиий география таркибида табиат компонентларини яхлит ўрганувчи фанга зарурат туғилди.	Дастлабки мажмуали тадқиқотларни жамлаш асосида тегишли хулоса ясаш.
“Табиат-инсон-жамият» тизимининг эволюцион ривожланиши	Халқ хўжалигини турли тармоқларида ландшафтан фойдаланишда алоҳида тадқиқотлар олиб борилди.	Тармоқ тадқиқотлари ва мажмуали тадқиқотларни ландшафт негизини топиши.
Барқарор ривожланиш концепцияси	Табиий география фанлари тизимида ландшафтшунослик ҳам муайян ҳудудларда ўз объектига ва предметига эга бўлди	Ландшафтнинг тадқиқот объекти ва унинг предметини моқон ва замон жиҳатдан ўрганиш негизиди.

Таянч тушунчалар:

1. Экспертиза.
2. Шахсий экспертиза усули.
2. Эксперт.
3. Жамоа экспертиза усули.

3. Лойиҳа.

4. Экспертлар комиссияси усули.


4. Географик экспертиза.

5. Эксперт хулосаси.

5. Экологик экспертиза.

Ўқитувчи берилган жавобларни жамоа билан бирга муҳокама қилади,
болаларнинг фикрларини умумлаштиради

4. Эксперт хулосасини тайёрлаш жараёни



Ўқитувчи жараёнини ўқувчиларга тушунтиради, изоҳлайди, шу билан бирга, географик баҳолаш, табиий географик жараёнлар, географик прогнозлаш каби тушунчаларга дуч келганда, ўқувчиларга бу борада саволларни беради ва ўтилган мавзулар бўйича билимларини синайди, бир бирига боғлайди ва амалий аҳамиятини янада таъкидлаб ўтади.

Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари
(мустақил аудиторияда ва аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)
Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган мак. 6 б	Муаммоли ва- зиятнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ кўрсатилган мак. 4 б	Вазиятдан чиқиб кепиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган мак. 10 б	Жами мак.20 б

**Аудиторияда бажарилган иш учун
баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди мак. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак. 5 б	Жами мак. 10 б
1				
2				

8-10 балл – аъло, 6- 8 балл – яхши, 4- 6 балл – қониқарли

**2.3. География фанининг айрим мавзулари бўйича кейс-стади педагогик
технологиясининг қўлланилиши**

Сув эритувчанлик хусусиятига эга, шу сабабли ҳамиша океан ва денгиз сувлари шўр бўлади. Дунё океанининг ўртача шўрлиги 35 грамм ёки 35 промиллега тенг. Одатда ички денгизлар суви шўрлиги бўйича бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг шўрлик даражасини қандай биламиз. Нега уларнинг шўрлик даражаси бир хил эмас.

Денгиз ёки океан сувининг шўрлиги деганда 1 литр сувнинг таркибида неча грамм ҳисобида мавжуд бўлган туз миқдори тушунилади. Масалан, денгиз сувининг шўрлик даражаси 20 промилле дейилса, 1 литр сувнинг таркибида 20 грамм миқдорда эриган туз мавжуд бўлади.

Кейс саволлари:

1. Қора денгизнинг 100 грамм сувида 1,8 грамм туз бор, Болтиқ денгизида эса 0,3 грамм туз бор. Денгизлар сувининг шўрлиги неча промиллега тенг бўлади, ҳисоблаб беринг.

2. Бу денгизлар сувининг турлича бўлишига сабаб нима деб ўйлайсиз?

Иқтисодий ва ижтимоий география фанини ўрганишда саноат корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганишда ҳамда унинг табиатга салбий таъсирини олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида қуйидагича кейс стади технологиясини амалга оширишимиз мумкин.

Саноат, транспорт ва шаҳар экотизимлари антропоген ландшафтлар қаторига киради. Улар тайёр энергияни (газ, кўмир, электр) олади. Улар ҳам инсон яшаши ва ҳаётини яхшилаш генератори, ҳам атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалари ҳисобланади. Саноат ва транспорт экотизимлари энергияни кўп истеъмол қилади. Улар табиий экотизимлар билан биологик боғлиқ бўлиб, улардан соддалаштирилиши, яъни турлар хилма - хиллигининг монокультура тизимларигача пасайишигача соддалаштирилиши билан кескин фарқ қилади. Улар энергияни, кислородни, сувни кўп истеъмол қилади, ис газни, ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларни кўплаб ишлаб чиқаради, тупроқ унумдорлигини пасайтиради, сувни ифлослантиради, табиатга катта зарар етказди. Уларни қўллаб-қувватлаш ва тиклаш катта харажатларни талаб қилади.

Саноат ишлаб чиқаришида табиат объектларига ва инсон саломатлигига қора ва рангли металлургия, кўмир, нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, кимё ва қурилиш материаллари саноати катта зарар етказди. Автотранспорт ҳавога чиқарадиган зарарли газлар ва чиқармалар ҳам табиатга зарари бўйича саноатдан қилишмайди. Масалан, фақат битта автомобиль йилига ўртача 4

тонна кислородни ютади, тахминан 200 модданинг аралашмасидан иборат чиқарма газларни, 800 кг углеводород оксиди, 40 кг азот оксидини ва деярли 200 кг турли углеводородларни ҳавога чиқаради.

Шунинг учун саноат ишлаб чиқариши ва транспорт барча турларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф этиш ва максимал камайтириш табиат муҳофазаси ва экология иқтисодиётининг энг муҳим вазифалари қаторига киради.

Кейс саволлари;

1. Саноат корхоналарини жойлаштиришда экологик омилнинг роли қандай?
2. Табиатга катта зарар етказувчи саноат корхоналари қайсилар?
3. Транспорт тармоқларининг табиатга таъсирини қандай изоҳлайсиз?

Баҳс мунозарадан кейин ўқитувчи бу муаммоларни қуйидаги йўналишларда ҳал этилиши ҳақида айтиб ўтади:

- саноат корхоналарининг зарарли чиқармалари ва чиқиндиларини тозалашни такомиллаштириш, тозалаш қурилмалари ишлаши ва уларни назорат қилиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқаришнинг рухсат этилган меъёрларига қатъий амал қилиш;

- моддий ресурслар ва табиий хомашёдан фойдаланишда тежаш тартибини кучайтириш;

- технологик жараёнларни ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш томонига доимий такомиллаштириш, чиқиндиларни утилизациялаш ҳажмини кенгайтириш, экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклида табиий ресурсларнинг комплекс истеъмолига асосланган кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни кенг миқёсда қўллаш;

- автомобиль ва бошқа дивигателлар чиқарадиган газларда мавжуд бўлган зарарли моддаларнинг токсиклигини (заҳарлилигини) камайтириш ва нейтрализациялаш;

- дизель двигателли енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни тезлаштириш, электромобилларни, «водородли» автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бошқалар.

Саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари доирасидаги экотизимларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизими қуйидаги икки асосий йўналишда амалга оширилади:

1. объектларга экологик статус бериш;
2. ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини экологизациялаш.

Объектларнинг экологик статуси қуйидагиларда ифодаланади:

- а) объектлар уларнинг экологик хавфлилиги даражаси нуқтаи назаридан паспортизация қилинади. Масалан, корхона экология паспортида атроф-муҳитга тушадиган чиқиндилар ҳажми, тозалаш иншоотларининг мавжудлиги, атроф-муҳит муҳофазасига харажатлар ҳажми ва бошқа маълумотлар берилади;
- б) корхоналар атрофида уларнинг фаолияти етказадиган экологик зарар даражасига боғлиқ ҳолда санитария – муҳофаза зоналари ташкил этилади. Бу кўрсаткич бўйича корхоналар бешта классга бўлиниб, классификацияланади. Масалан, биринчи класс корхоналари учун санитария муҳофаза зонаси кенглиги 1000 м белгиланади; иккинчи класс учун – 500 м; учинчи класс учун – 300 м; тўртинчи класс учун – 100 м; бешинчи класс учун – 50 м.
- в) корхоналар учун ўзларининг ишлаб чиқаришининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгиланади. Масалан, корхона атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиши, ишлаб чиқаришнинг табиатга таъсирини тўла компенсацияловчи табиат муҳофазаси тадбирларини амалга ошириши шарт

ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида таълимнинг инсонпарварлик ва тарбиявий воситаларига, баркамол авлод тарбиясига, жаҳон таълим тизимининг ижобий тажрибалари ва ютуқларига алоҳида диққат-эътибор кучайди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шахс миллий моделимизнинг асосий ташкил этувчиси сифатида белгиланган бўлиб, унга нисбатан қўйиладиган талабларнинг амалга оширилиши таълим ислохатларининг натижасини белгилаб беради. Ўз навбатида мазкур хужжатда шахснинг ижодкорлиги ва интеллектуал қобилиятлари баркамолликнинг асосий вазифа таълим тизимида шахсда ижодкорлик ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш орқали баркамоллигига эришишдан иборат. Ўтказилаган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий ва методик хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи умуммиллий ва умумдавлат миқёсдаги вазифа бўлиб турибди. Мамлакатнинг келажаги, авлодларнинг давомийлиги, халқларнинг мавжудлиги, эртанги куни, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш вазифаларини амалга ошириш ҳам ёшлар билан боғлиқ.

2. Ёшлар дунёқарашида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий кадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, муаммонинг муҳимлиги ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришга оид кўплаб мутахассислар педагоглар, психологлар ва социологлар биргаликда тизимли ишларни амалга оширишлари лозим.

3. Педагогика фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришда кейс-стади таълим технологиялари асосида тадбиқ этилса аҳамиятли натижаларга эришиш мумкин.

4. Анъанавий ва инновацион аудиториядан ташқари фаолият шакллариини интеграциялаш педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратини

шакллантиришда катта педагогик имкониятларни ҳосил қилади. Педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратини шакллантиришни йўлга қўйишда технологик ёндошув, яъни ҳар бир босқични алоҳида-алоҳида лойиҳалаб олиш, эришиладиган натижалардан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларни белгилашнинг муҳим шартидир.

"Академик лицей ва касб хунар коллежларида амалий географияни ўқитишда "кейс-стади" технологиясидан фойдаланиш" мавзуга оид педагогик, психологик ва методик адабиётларни география бўйича таълим дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиш таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида кўрсатилган мавзудаги БМИ ёзиш давомида қуйидаги натижалар олинди:

1. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланди, унинг мақсади, объекти, предмети, вазифалари, БМИ ни ёзишда қўлланилган методлар баён қилинган.

2. Замонавий география таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини таъминлашда таълим жараёнида "субъект-субъект" муносабатларини таркиб топтиришда кейс-стади технологиясининг моҳияти ўрни ва аҳамияти очиқ берилди.

3. Битирув малакавий ишининг биринчи бобида: Кейс-стади "case-study" педагогик технология сифатида, "кейс – стади" тарихидан маълумотлар, Кейс-стади технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш, Кейсларнинг турлари ва мазмуни, Кейс - стади билан ишлашни ташкил қилиш усуллари каби илмий назарий муаммолар баён қилинди.

4. Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида АЛ ва КХКларда "Амалий география" курсининг уч та асосий бўлимини кейс - стади технологияси асосида лойиҳалаштириш намуналари берилди. Булар: "Табиий географик жараёнлар", "Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири", "Географик – экологик экспертиза асослари" кабилардир.

5. Учинчи бобда тажриба синов ишларининг баъзи статистик натижалари келтирилди ва умумлаштирилди, кейс технологиясини география таълими жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошишига ижобий таъсир қилишига ишонч ҳосил қилинди. Битирув малакавий ишини ёзиш давомида тўпланган материаллар, олинган натижалардан синовдан ўтказилган методик ёндошувлардан ўрта махсус таълим муассасаларида география ва “Амалий география” курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. – Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» - Тошкент, 1997.
4. Баркамол авлод орзуси (Президент И.Каримовнинг нутклари, рисолалари асосида). Тўзувчилар: Ш.Курбонов, Х.Саидов, Р.Аслиддинов. – Тошкент, «Шарк» манбаи концерни, 1999 йил.
5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: «Педагогика», 1989.
6. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари – Тошкент, 2001.
7. Абдукуддусов О. Малака ошириш тизимида педагогик инновациялар.- «Халк таълими», 1999 6-сон, 49-53 бетлар.
8. А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: Фан ва технологиялар, 2014й
9. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари, - Бухоро, 2000
10. Байсалов Ж. Модулли таълим технологиясини қўллаш. – «Халк таълими», 1999 6-сон 101 – 103 бетлар
11. Зарипов К. Янги педагогик технологияни тадбиқ этиш босқичлари. – «Халк таълими», 1997 4-сон, 4-12 бетлар.
12. Азизхужаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси – Тошкент, 2000
13. Азизхужаев Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар (Реклама - режалар). – Тошкент, 2002

14. Зиёмухаммедов Абдуллаева Б.Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма.- Тошкент, Абу Али Ибн Сино номли тиббиёт нашриёти, 2001
15. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989
16. Кларин М.В. Иновации в мировой педагогике. – рига, 1995.
17. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань, 1993, 88
18. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса – Волгоград, Ярославль, 1991.
19. Нишоналив У., Толипов У., Икки шахс фаолияти уйғунлашганидагина таълим тарбиядан қўзланган мақсадга эришилади.-«Маърифат» газетаси, 2000 йил 19 апрел.
20. Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. – «Халқ таълими», 1999 6-сон 28-31 бетлар.
21. Очилов М. Ўқитиш методи – педагогик технологиянинг асосий компоненти – «Халқ таълими», 1999 6-сон 32-35 бетлар.
22. Педагогик энциклопедия. – Т. : Ўқитувчи нашри ёти, 2010й..
19. Рахимов Б. “Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданий муносабатларни шаклланиши. ” П.ф.н. илмий дарж.олиш.учун дисст.-Т.: 2005.
20. Қурбонов Ш. “КХК ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишнинг педагогик асослари . П.ф.н. илмий даржасини олиш учун дисстация.-Т.: 2004.
21. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Т.: Фан, 1995. – 117 б.
22. Ўзбек педагогикаси антологияси //Тузувчи-муаллифлар. К.Ҳошимов, Очилов С. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 460 б.
23. Ҳошимов К. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
24. Шомухаммедов.Ш. “Хазиналар жилоси”. - Тошкент.: 1990 й.

25. Очил Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари: (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари мисолида). – 2-нашри, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 256 б.
26. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2003.
27. Махмудов М. Комил инсон шахси ва ижтимоий тарбия // “Педагогик маҳорат”, 2002й.
28. Холиқов А. Педагогик маҳорат. –Т.: Фан, 2010й.
29. Подласый И.П. Педагогика: в 3-кн., кн.3: Теория и технология воспитания: учебн.для студентов вузов. –М.: ВЛАДОС, 2007. –463 б.
30. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий қўланма. –Тошкент, 2008. – 181 б.
31. Фридман Л.М., Пушкина Т.А., Каплунович И.Я. Изучение личности учащегося и ученических коллективов. –М., Просвещение, 1988;
32. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усмонов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: “Фан ва технология”, 2009.
33. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996;
34. Юдина Е.Г. Педагогическая диагностика в детском саду: пособие для воспитателей дошкол.образов.учреждений –2-е изд. – М., Просвещене, 2003.
35. Ишмухамедов Р.Ж. Ўқувчиларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.,УДАП, 2004. – 233 б.
36. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.- Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004, 2008 (қайта нашр). - 44 б.

37. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).—Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – 108 б.

38. Абдуқаҳхоров А, Пардаев А, Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Истеъдод, 2010.

1. <http://www.casemethod.ru>
2. <http://writing.colostate.edu/references/research/casestudy/index.cfm>
3. <http://www.ed.asu.edu/edrev/reviews/rev24.htm>
4. <http://www.google.uz>

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I-БОБ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....

- 1.1.** Таълим жараёнида фойдаланиладиган инновацион ўқитиш методлари ва технологиялари.....
- 1.2.** Ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.....
- 1.3.** Кейс-стади "case-study" педагогик технология сифатида.....

II-БОБ "АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ" КУРСИНИ ЎҚИТИШДА КЕЙС - СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ....

- 2.1.** Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни.....
- 2.2.** “Инсоннинг табиатга таъсири ” мавзуси бўйича кейс-стади технологияси.....
- 2.3.** География фанининг айрим мавзулар бўйича кейс-стади педагогик технологиясининг қўлланилиши.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

